ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00537

XX АСРНИНГ 50-90 ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МАВЖУД СУВ ОМБОРЛАРИ ВА ИРРИГАЦИЯ ИНШООТЛАРИ

Бекзод Абдуллаев
Ўзбекистон миллий университети магистратни

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада иккинчи жаҳон урушидан сўнг Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг умумий ҳолати, ҳамда Фарғона водийсида сув омборларининг қурилишига тасниф берилади.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, Андижон сув омбори, Каркидон сув омбори, Косонсой сув омбори, “Андижангидрострой” бошқармаси.

WATER RESERVOIRS AND IRRIGATION FACILITIES IN THE FERGANA VALLEY IN 50-90S OF THE XX CENTURY

Bekzod Abdullaev
Master student, National University of Uzbekistan

ABSTRACT

This article classifies the general state of agriculture in the Fergana Valley after World War II, as well as the construction of reservoirs in the Fergana Valley

Keywords: Valley Fergana, Reservoir Andijan, Reservoir Karkidon, Reservoir Kosonsoy, Department “Andijangidrostroy”.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бошқа қисмларига қараганда Фарғона водийси ўтмишда ҳам, ҳозир хам анчагина табиий афзаликларга эга бўлган ўлка бўлиб, унинг майдони 22,2 минг кв. кмдир. Ўзбекистон Республикаси таркибига кирган қисми эса 17 минг кв.км ни ташкил этади, қолган 5,2 минг кв. км ҳудуди Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари таркибига кириб, унинг 27 фоиз ҳудуди адирли ерлардир[1].Ўрта Осиёнинг энг катта сув манбаларидан бўлган Сирдарё водийнинг текислик қисмини иккига бўлиб туради. Унинг ўнг томони кичикроқ бўлиб, шимолда Чотқол -Қурама тоғ тизмаси остоналарига бориб туташади. Чап қисми эса каттароқ бўлиб, жанубда Олой-Туркистон тизмаларининг адирларигача етиб боради. Фарғона водийсидаги барча дарёлар водийнинг марказий қисмига қараб оқади. Фарғона водийсининг тупроқ таркиби ҳам хилма-хилдир. Тоғ ён бағирлари иқлардан иборат. Бундан ташқари, ювилган ва асосий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00537

қисми шағал ва тупроқли қум тошлар қам учрайди. Тоғ этакларини кесиб ўтувчи майда дарёлар водийлари эса бўз тупроқдан ташкил топган. Фарғона водийсининг текислик қисмини ўраб турувчи адирлар зонаси қумтош ва соз тупроқлардан тузилган. Фақат шарқ томондаги адирлар тупроғи соз тупроқнинг устки бетида жойлашган аллювиал қатламдан иборатдир. Шу боисдан ҳам Фарғона водийси ўтмишда ҳам, кейинги даврларда ҳам қишлоқ хўжалиги Ўрта Осиёнинг бошқи минтақларига нисбатан қишлоқ хўжалиги ва ирригация соҳасида жадал ривожланган. Бу соҳода ривожланиш совет давлати даврида ҳам бир томонлама бўлсада амалга оширилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Урушдан кейинги йилларда совет маъмурлари республикада пахта экин майдонларини кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилди. Жумладан, 1946-1950 йилларда пахта майдони 815,6 минг *га* дан 1098,1 минг *га* га, ялпи ҳосили эса 1118 минг т.дан 2226 минг т.га кўпайди[2]. Шу даврдан бошлаб республика қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги сиёсати янада кучайди.

Марказ пахта етиштириш учун қулай табиий шароит ва имкониятга эга Фарғона водийсига айрича эътибор қаратди. Жумладан, собиқ СССР Министрлар Советининг 1952 йил 2 сентябрдаги «Пахтачиликни келгусида ривожлантириш учун ЎзССРнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши [3] фикримизни тўла исботлайди. Қарорда яқин 4-5 йил ичида, яъни 1953 йилдан бошлаб Марказий Фарғонада 65 минг *га* қўриқ ерни (шу билан бирга ирригация тармоғида мавжуд бўлган 15 минг *га* қаровсиз қолдирилган ерларни) ўзлаштириш масаласи кўриб чиқилди. Мазкур қарордан келиб чиқиб водийдаги барча суғориш ишлари пахта яккаҳокимлигига тўла маънода бўйсундирилди. Шу даврдан бошлаб ўлка ҳудудида кўплаб ирригация иншоотлари қурилди ёки мавжудлари янгиланди.

Фарғона водийси сув хўжалигида урушдан кейинги йилларда Косонсой сув омбори қурилишини тугаллаш энг долзарб вазифалардан бири еди. Чунки уруш йилларида сув омборига ҳаммаси бўлиб 15-17 млн кубометр сув тўплашга муваффақ бўлинган еди. Бу ҳолат сув омбори атрофида мавжуд бўлган Поп, Чуст, Косонсой, Тўракўрғон, Янгиқўрғон раёнларидаги сув таъминотини тўла ҳал этишга имкон бермади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги Министрлиги 1946-1947 йилларда Косонсой сув омбори қурилишининг биринчи навбатини тугатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилади [4]. 1946 йилдан бошлаб сув омбори қурилиши «Сазводпроиз» томонидан тузилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида олиб борилди. Ишлаб чиқилган лойиҳада сув омбори

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00537

қурилишидаги сувни юқорига кўтарадиган тош тўғон асосий объект қилиб белгиланди. Лойиҳа бўйича сув омборининг тош тўғони қуйидагича белгиланди:

а) тўғон устунининг кенглиги 6 метр;

б) тўғон устунининг узунлиги 285 метр;

в) тўғоннинг умумий ҳажми 550 минг кубометр, шу жумладан, тошдан бунёд этиладиган қисми 510 минг кубометр, экран остига ётқизиладиган шағал 50 минг кубометр, бетон ва темир-бетон ишлари қажми 10 минг кубометрга тенг эди. Оғир ва машаққатли меҳнат евазига Косонсой сув омборида 1947 йилда 50 млн. кубометр, 1949 йилда 62 млн. кубометр, 1952 йилда 75 млн. кубометр сув тўплашга еришилди [4].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фақат 1952 йилга келиб Косонсой сув омбори қурилиши давлат бюджетига ўтказилди. Қурилишда бажарилган ишларнинг 80 фоизи колхозлар томонидан ажратилган маблағлар ва ҳашарчиларнинг қўл меҳнати эвазига амалга оширилди. Лойиҳа-смета бўйича бажарилган ишларнинг умумий қиймати 55,3 млн. сўмни ташкил этди [5]. Сув омбори қурилишининг биринчи навбатининг тугалланиши билан унинг сувлари орқали Қирғизистон ССРнинг Олабуқа раёни ва Ўзбекистон ССР Наманган областининг Чуст, Косонсой, Тўрақўрғон ва Наманган раёнлари ҳудудида 12 минг гектар янги ерларни суғориш имкониятига эга бўлинди. Сув омбори вегетация даврида 30-32 минг гёктар майдонда сув таъминотини яхшилаган бўлса-да, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой раёнларида сув тақчиллигини тўлалигича ҳал эта олмади [6].

Фарғона вилоятидаги Каркидон сув омбори қурилиши 1962 йилда бошланиб, 1967 йилнинг октябрида тугалланди. Бу табиий шароитдаги сув омбори майдони 9,65 км² бўлиб, 200 млн. м³ сув тўплай олади. У Қувасой (Исфайрамсой дарёси ирмоқлари) дарёсида барпо этилган бўлиб, фойдали сиғими 218,4 м³ га тенг [7]. Тўғонга 3,4 млн. м³ шағал-қумли тупроқ, 2,4 млн. м³ қумоқ тупроқ тўкилди, 60 минг м³ бетон ва темир-бетон ётқизилди. Сув омборининг ишга туширилиши билан Андижон ва Фарғона вилоятларининг Жанубий Фарғона каналидан сув ичган 69 минг *га* суғориладиган ерларини оби-ҳаёт билан таъминлашни яхшилади [8].

1962 йилдан Ўзбекистон Компартияси марказий комитети биринчи котиби Шароф Рашидовнинг шахсан ташаббуси билан ўша вақтдаги Иттифоқ раҳбарларини қийинчилик билан розилигини олиб, Андижон сув омбори қурилиши бошланди [9]. Андижон сув омбори Фарғона водийсининг шарқий қисмида, Қорадарё ўзани тоғлик ҳудуддан чиқувчи Кампирровот дарёсида барпо этилган. Кампирровот дарасида Қорадарё ўзани 800 метргача торайган, ўзаннинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00537

чап қирғоғида Оққия адир, ўнг қирғоқ томонида эса Ўттиз адир табиий тепаликлари жойлашган. Қорадарё асосан Ясси ва Қуршоб ирмоқларидан шаклланиб, бу ирмоқлар қўшилган жойда 1,75 миллиард кубометрлик сув йиғиш имконини берувчи улкан хавза юзага келган. Андижон сув омбори мухандислик жиҳатидан ўзининг улуғворлиги ва мураккабилиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг умумий сув сиғими 1750 миллион метр кубни, фойдаланиш мумкин бўлган сув хажми еса 1600 миллион куб метрни ташкил этади. Сув омборининг умумий хавзаси эса 60 квадрат км.га тенг. Сув омборининг ўзига хос конструксияга эга бўлган контрфорс тўғони 3,8 миллион кубометр бетондан тикланган. Тўғонни бунёд этишда 8 миллион кубометрлик тупроқ ишлари бажарилиб, 100 минг кубометрлик йиғма темир-бетон ишлари тикланган, 900 минг тонна семент, 110 минг тонна арматура ва темир конструксиялари ишлатилган. Сув омборини лойихалаштиришда тўғонда гидроелектростансия қуриш ҳам режалаштирилган бўлиб, унинг таркибига умумий қуввати 140 минг квт.лик 4 та турбина ўрнатиш кўзда тутилган. ГЕС фаолияти суғориш мавсумига мўлжалланган бўлиб, унинг турбиналаридан ўтган сув Шаҳрихонсой, Андижонсой, Савай магистрал каналларига қуйилади ва асосан суғориш мақсадларига ишлатилади. ГЕСнинг ўртача йиллик электр энергия ишлаб чиқариш имконияти 435 млн. киловатт соатни ташкил этади. Ёй шаклидаги тўғон баландлиги лойиха бўйича 116 метр, узунлиги 1024 метр бўлиб, 33 та иккилик контрфорс сексиядан ва иккита қирғоқ таянчидан иборат. Тўғоннинг сейсмик чидамлилигини ошириш учун контрфорслар орасида 5 метрлик диафрагмалар ўрнатилган ва унинг чоклари семент билан бириктирилган. Тўғоннинг иккинчи ярусида 5 та сексиядан сув чиқаришга мўлжалланган дарчалар очилган [10] . Андижон сув омборининг дастлабки лойихаси 1951 йилда “Средазводпроект” трести томонидан ишлаб чиқилган ва 1961 йили эса бу лойиха “Средазгипроводхлопок” институти томонидан такомилаштирилган. Сув омборини қуриш бўйича тайёргарлик, қидирув-лойиха ишлари шу йилиёқ бошлаб юборилди. Сув омборини қуриш “Узглавводстрой” трестига топширилиб, бу мақсадда 1965 йили “Андижангидрострой” бошқармаси ташкил етилади. 1965-1969 йилларда “Андижангидрострой” бошқармаси қурувчилари томонидан ахоли учун турар жойлар, алоқа йўллари, маданиймаиший бинолар барпо етилди. Тўғон пойдевори учун илк бетон ишлари 1969 йил 21 май куни бошланди.

Андижон сув омбори қурилиш даврини шартли равишда тўртта даврга бўлиш мумкин:

1. Бошланғич давр (1965-1967 йиллар) – алоқа йўллари, муваққат ва доимий турар жойлар қурилиши, сув омбори ҳудудини бўшатиш каби ишлар бажарилди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00537

2. Тайёргарлик даври (1967-1975 йиллар) – асосий қурилиш майдонларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш базаларини тиклаш, маданий-маиший бинолар ва доимий турар жойларни қуриш ва Қорадарё ўзанини тўсиш даври.

3. Асосий давр (1975-1980 йилнинг биринчи ярми) – асосий ишларнинг бажарилиш ва тўғонни қуриб битказиш даври.

4. Якунлаш даври (1980 йилнинг иккинчи ярми – 1981 йил бошлари) – сув омборининг технологик тадбирларини расмийлаштириш, ГЕС қурилишини якунлаш даври [11].

ХУЛОСА

Андижон сув омбори қурилиши бўйича асосий ишлар 1980 йилда якунланди. Бу даврга келиб жами 275 миллион рубллик лойиха-смета ишлари бажарилди. Оғир ва мураккаб табиий шароитларга қарамай, халқнинг саъй ҳаракати ва матонати эвазига сув омбори деярли 5 йил муддатда қуриб битказилди. Улкан қурилишни бундай қисқа муддатда бажаришда албатта илғор мухандислик ишлари ва янги технологик ечимлар ҳам муҳим ўрин тутди.

REFERENCES

1. Насритдинов Қ. Фарғона водийсининг суғорилиши тарихи. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2009, – Б. 7.
2. Джабборов Н. Развитие орошения в Узбекистане и его перспективы. -Ташкент: Фан, 1968. -С.21.
3. Фарғона вилоят давлат архиви (бундан кейин - ФВДА), 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 14-варақ
4. Мичурин А.Ф. Ўрта Тўқай сув омбори қурилиши тажрибаси. Т.: 1949. - 82-бет
5. Ферганский областной краеведческий музей. Материалы о сдаче Урта Токайского водохранилища. Кн. 2. –лл. 27-28.
6. Ўз Р МДА 2486-ф ., 1-р ., 377-иш, 53- варақ.
7. Волынов А.М., Забелин В.А., Кияткин А.К., Луженева М.С. Орошение земель в Средней Азии и Казахстане. -Москва: Колос, 1980. -С.47
8. Фозилов Ғ. Водийнинг олмос камари.- Фарғона: Фарғона, 1996. -Б.38.
9. Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. . – Т.: “Шарқ”, 2013, – Б. 318.
10. Домлажонов Хасанбой, Абдуллаев Музробжон. Хонобод тарихи. Андижон, 2016, - Б. 56.
11. Домлажонов Хасанбой, Абдуллаев Музробжон. Хонобод тарихи. Андижон, 2016, - Б. 57.